



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 19 февраль, № 36 (7816)

Жума

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: «НАМАНГАНГА ОДАМЛАРНИНГ ЭРТАНГИ КУНИНИ ЯХШИ ҚИЛИШ УЧУН КАТТА ЗАМИН, КАТТА МАБЛАҒЛАР БИЛАН КЕЛДИК»

Президент Шавкат Мирзиёев саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги лойиҳалари, бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиш, маҳаллалардаги шароитни ўрганиш мақсадида 18 февраль куни Наманган вилоятига келди.



Ташриф дастурига мувофиқ илк манзил Янгикўрғон тумани бўлди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили июнь ойида вилоятда бўлганида Косонсой, Чортоқ, Янгикўрғон туманларини боғдорчиликка ихтисослаштириш яхши самара беришини айтган эди. Жорий йил 11 январда эса «Наманган вилоятининг Косонсой, Чортоқ ва Янгикўрғон туманларида мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Президент қарори қабул қилинди.

Шунга мувофиқ, ушбу тоғли туманларда замонавий боғ ва тоқзорлар ташкил этилмоқда. Улардан бири — Янгикўрғондаги «Sura General Investments» масъулияти чекланган жамиятининг боғи. Илгари сугорилмаганлиги сабабли шу пайтгача унумли фойдаланилмаган келинган бу ерда Бирлашган Араб Амирликларининг 3 миллион доллар тўғрисидадан-тўғри хорижий инвестицияси ҳисобига 103 гектар майдонда интенсив боғ барпо этилди.

Авалло, 250 метр чуқурликдан сув чиқарилди. Ховуз қазилиб, томчилатиб сугориш тизими ўрнатилди. Ўтган йили Италиядан кўчат олиб келиниб, 48 гектарга гилос, 26 гектарга ўрик, 22 гектарга шафтоли, 7 гектарга олхўри экилди.

Президентимиз боғнинг иқтисодий самардорлиги билан қизиқди. Бу ерда мева ҳосилдорлиги оддий усулдангина нисбатан 3 марта юқори. Навлари ҳам бозорбор. Томчилатиб сугориш тизими натижасида ҳар гектар ерда суви 2 баробар кўпроқ иқтисод қилиш мумкин.

Дарахлар келгуши йили ҳосилга кирди. Боғнинг йиллик қуввати 5 минг тонна бўлади. 4 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган. Корхона яна минг гектарда боғ яратишни мақсад қилган.

Боғда 40 киши иш билан таъминланган. Қатор ораларида сабзавот етиштириш учун ишсиз ёшларга ер бўлиб берилган.

Давлатимиз раҳбари шундай ёшлар билан суҳбатлашди.

— Сизларнинг ишли бўлганларингиз, кайфиятларингиз кўриб хурсандман. Йўлларингизни топиб, иш билан бўлиб, бирингизни икки қилиб, фарзандлар камолини кўриб яшасаларингиз — менинг энг катта мақсадим шу. Бунинг учун шу билан чегараланмай, кўпроқ билим олишингиз, янги марраларга интилишингиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Илгари наманганлик 160 минг киши хорижга иш излаб кетгани, бугун яратилган имкониятлар натижасида уларнинг 100 минг нафари юртимизга қайтиб келгани таъкидланди.

— Ёшлар йўлини тасаввур қилоса, куч пайдо бўлади. Қийинчиликлардан, синовлардан хафа бўлмаслик керак. Хаёт мактабини ўтаган инсон дунёга бошқача қарайди. Ёшларнинг яхшисизиям, ёмониям бизнинг фарзандларимиз. Сизларга ўхшаган интилувчан, эртанги кунига бефарқ бўлмаган, касб-хунарли ёшлар бошқа тенгдошларига ўрнатиш керак, — деди Президент.

Президентимиз интенсив боғ инвестори билан мулоқотда бўлди. Шу ерда Наманган вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган лойиҳалар тақдирини ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Чуст туманидаги «Chust textile» хусусий корхонасини бориб кўрди. Ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш — давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналиши. Шу мақсадда шаҳар ва туманларда тўқимачилик мажмуалари ташкил этилмоқда. Зеро, бунинг учун хом ашё, инфрамулк ва бозор бор.

«Chust textile» корхонаси «Наманган» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида ташкил этилган. Фабриканинг иккита мажмуасида 1 минг 300 киши меҳнат қилмоқда.

Корхона буюртмага қараб, барча турдаги устки ва ички кийимларни ишлаб чиқариши мумкин. 2020 йилда қарийб 2 минг тонна мато ҳамда 5 миллион 200 минг донга тайёр трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, Италия, Россия, Қозғоғистон ва Тожикистон каби давлатларга 9 миллион долларликдан зиёди экспорт қилинган. Жорий йилда экспорт ҳажми 12 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

Президент корхонадаги иш жараёнини, тайёр маҳсулотларни кўздан кечирди.

— Илгари эгилиб пахта қардик, эгилиб терардик, лекин бошқа давлатларни боқардик. Охири йилларда яратилган имкониятлар тўғрисида янги корхоналар пайдо бўляпти, тадбиркорлар эмин-эркин ривожланишти, қайта ишлаш даражаси ошяпти. Кластерлар тузиб, пахта-нинг эгали қилганимиз учун унинг сифати ҳам ўзгаряпти. Пахта сифатли бўлса, тадбиркорга осон бўлади, маҳсулоти сифатли, рақобатбардош бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Корхона биналари кўп материал сарфланмай, ангар усулида барпо этилган. Натижада қурилишнинг ўзини 6 миллион доллар иқтисод қилин-

ган. Яна бир афзаллик шундаки, иншоот анъанавий усулга нисбатан 2-3 марта тез йиғилади ва тикланади. Арзон ва сифатли ушбу материални кейинчалик зарур бўлганда таъмирлаш учун ҳам кам маблағ сарфланади. Бино шомол, қор ва зилзилага ўта бардошли. Махсус ҳаво алмаштириш ускуналари билан жиҳозлангани тўғрисида қишда иссиқлик, ёзда салқинлик таъминланган.

Давлатимиз раҳбари бунинг маҳсулот таннархига, рақобатбардошлигига таъсирини таъкидлаб, бошқа тўқимачилик мажмуаларини ҳам шундай лойиҳа асосида қуриш бўйича кўрсатма берди.

«Chust textile» лойиҳасининг умумий қиймати қарийб 12 миллион доллар бўлиб, уч босқичга мўлжалланган. Тўлиқ қувватда йилига 5 минг тонна мато, 15 миллион донга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин. Ишчилар сонини 2 минг 200 га етказиш режалаштирилган.

Шу ерда Наманган вилоятида амалга оширилган ийрик инвестиция лойиҳалари тақдирини бўлиб ўтди. Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳридаги «Даштбоғ» кичик саноат зонасида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида саноат салоҳиятини янада ошириш учун туман ва шаҳарларда технопарк, кичик саноат зоналари, ҳудудий кластер ва логистика марказлари ташкил этилишини айтган эди.

Хусусан, Наманган вилоятида 72 та кичик саноат зонаси учун жой ажратилган. Бугунги кунда шундан 34 таси қурилиб фойдаланишга топширилган.

Даштбоғдаги мажмуа яқинда ташкил этилганига қарамай, корхоналар бирин-кетин ишга туша бошлади. Масалан, «Dream liner tekstil» масъулияти чекланган жамиятида махсус кийимлар ва эркаклар қўйлаги тикиш йўлга қўйилди. Бу ерда маҳаллий аҳоли вакиллари 120 нафари ишламоқда.

Шавкат Мирзиёев улар билан мулоқотда бўлди.

— Эшитяпсизлар, Ўзбекистонда «маҳаллабай, хонадонбай» деган ибора пайдо бўлди. Бу дегани — ҳар бир оиланинг дардини, ниятини эгали қилганимиз учун унинг сифати ҳам ўзгаряпти. Маҳалланингизда мана шундай жой қурилгани, сизлар ишли бўлиб, бир-бирларингиз билан кўришиб, вилоятда, мамлакатимизда бўлаётган янгиликлардан хабардор бўлиб, яхши кайфиятда яшяётганларингиз — ана шу ҳаракат на-

тижаларидан бири. Олдинда яна режаларимиз, мақсадларимиз кўп. Наманганга ҳам одамларнинг эртанги кунини яхши қилиш учун катта замин, катта маблағлар билан келдик, — деди Президент.

Бу ерда яна тўртта корхона фаолият юритмоқда. «Navro'z tekstil sanoat» корхонасида болалар ва эркаклар кийими, «Aziz Dizayn Servis» ширкатидега сумка, рюкзак ва чамадон, «Blaz text»да «сэндвич панел»лар ишлаб чиқарилимоқда. «Келажак мега строй» масъулияти чекланган жамияти томонидан ўқув маркази очилган. Мазкур корхоналарда 300 га яқин иш ўринлари яратилган.

«Даштбоғ» кичик саноат зонаси майдони қарийб 4 гектар. Яна қўллаб-қўрғанида қурилиш, ускуналар ўрнатиш давом этимоқда. Саноат зонасида умумий қиймати 119 миллиард сўмлик 22 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. 3 мингдан ортиқ иш ўринлари яратиб, 2,7 миллион долларлик экспорт қилиш мўлжалланган.

Кичик саноат зонаси Даштбоғ маҳалласи ичидега жойлашган. Бу ерда 1 та мактаб, 2 та боғча, тиббиёт пункти, Давлат хизматлари маркази ва «Миллий банк» АЖ филиали бор. 4700 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилмаган маҳаллада кичик саноат зонаси қурилгани, айниқса, барчани хурсанд қилди. Хозирнинг ўзида 60 дан зиёд ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлди. Саноат зонаси тўлиқ фаолият бошлаб, Даштбоғ маҳалласида яшовчи 1500 дан ортиқ фуқароларнинг бандлиги таъминланди. Яъни маҳаллада ишсиз одам, деярли, қолмади. Бундан ташқари, шу атрофда яшовчи Шодлик, Заркент, Юқори Ғирвон, Урта Ғирвон, Меҳрибонлик, Оби-жаёт, Зарафон каби маҳаллаларда яшовчи юзлаб ёшлар ишли бўлади.

Шу ерда Наманган вилоятида йўл, транспорт, қурилиш ва коммунал инфратузилмани ривожлантириш чора-тадбирлари муҳожама қилинди. Давлатимиз раҳбари Ахсикент ёлғорлигини очик осмон остидаги музейга айлантириш лойиҳасига алоҳида эътибор қаратди.

— Ахсикент — жуда нодир ёлғорлик. У ердаги ишларни илм билан, миллий гурур билан, ҳурмат билан қилиш керак. Бу жой «Наманганнинг Регистони» бўлиши керак, — деди Президент.

Президент «Даштбоғ» кичик саноат зонасидаги корхоналарни кўрганидан кейин, маҳалладаги шароитларни кўздан кечирди. Исмоил Кирғизов ва Малика Парпиева хонадонидега бўлиб, улар билан суҳбатлашди. Гуруннга қўни-қўшнилар ҳам келди.

— Мен кўпроқ оддий одамлар билан гаплашсам, сизларнинг кўзларингизга қарасам, ниятларингизни билсам, дейман, — деди Шавкат Мирзиёев.

Нуронийлар маҳалла тизимига эътибор натижасини ўз ҳаётлари мисолида сўзлаб берди. Ижтимоий муаммолар ҳал бўлиб, турмуш шароити яхшиланаётганини айтди.

— Нима учун ҳамма кучни маҳаллага ташлаяпмиз. Марказдаги битта кўчани ёритиб қўйганимиз билан одамлар рози бўлмайди-ку. Маҳаллалардаги одамларимиз, аёлларимиз, жонажон ёшларимизни ким эшитяпти?! Наманган вилоятида ҳам 141 та маҳаллада муаммолар бор — қаерда йўл йўқ, қаерда сув йўқ, қаерда ишсизлик кўп. Ушбу камчиликларни билиб, ҳис қилиб, катта маблағ билан келганмиз. Энди уни ким назорат қилади, ким халқни ўйлайди? Маҳалла, жамоатчилик. Энди маҳалла раиси янгиликка интиланган, одамларнинг оғирини енгил қиладиган бўлиши керак, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Даштбоғ маҳалласи идораси, Давлат хизматлари маркази филиали кўздан кечирилди.

Президент Наманган шаҳридаги «Art soft holding» ширкатининг илмий-амалий малака ошириш маркази ҳамда «Ишга марҳамат» мономаркази фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 11 августдаги «Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаолигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, барча ҳудудларда шундай марказлар ташкил этилмоқда.

«Art soft holding» ширкати маркази тўқимачилик соҳасига ихтисослаштирилган. Бу ерда 12 турдаги ишчи касб бўйича йилига 2 мингдан зиёд мутахассислар тайёрланади.

Корхона ёнида жойлашган мономарказда 9 соҳанинг 27 хил йўналиши бўйича йилига 3 минг нафардан зиёд аҳоли ўқитилади. Бу йўналишлар меҳнат бозори талабини ўрганиш асосида ташкил этилган. Ўқув ва машғулот хоналари зарур асбоб-анжом, станок, компьютер, муляж ва бошқа амалиёт ускуналари билан таъминланган.

Муҳим томони шундаки, марказ давлат-хусусий шериклик тизимида ишлайди. Машғулотларни амалиётчи устalar, тадбиркорлар олиб боради. Давлат шароит яратиб, илмий-ишлаб чиқариш жиҳатидан таъминлайди, тадбиркорлар эса ўзлари ўқитган ёшларни ишга олади. Яъни бу ерда касб ўрганган йигит-қизлар ишсиз қолмади.

Марказда ахборот технологиялари ва хорижий тиллар ҳам ўргатилади. Хусусан, IT-мутахассислар онлайн хизматлар кўрсатиб, яхши даромад топтоқда.

Президентимиз марказда яратилган шароитлар билан танишди, мураббийлар, касб ўрганаётган ёшлар билан суҳбатлашди.

Шавкат Мирзиёев шу ерда оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди. Давлатимиз раҳбари вилоятга келишдан асосий мақсади, ислохотларни амалга оширишда қўйинчилик туғдираётган оммилар, Наманганнинг иқтисодий ҳақида гапирди.

Мономарказда Наманган вилоятида маҳаллабай ишлаш тизимини ташкил этиш юзасидан тақдимот ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарининг Наманган вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Абдулазиз МУСАЕВ, Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, ЎЗА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖАДАЛ ЖОРИЙ ЭТИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясига мувофиқ ҳамда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш ва уларни мамлакатимизда кенг қўллаш, рақамли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини ва уларнинг юқори сифатини таъминлаш, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш учун кулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар тасдиқлансин: а) қуйидаги асосий устувор йўналишларни назарда тутуви 2021-2022 йилларда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ:

сунъий интеллектни қўллашнинг асосий йўналишлари ва тамойилларини, шунингдек, яқин ва узоқ истиқболда ушбу соҳани комплекс шакллантириш учун шарт-шароитларни белгилловчи Сунъий интеллектни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳада, давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллект технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишда ягона талаблар, жавобгарлик, жавобдорлик ва шаффоқликни белгилловчи норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш;

аҳоли манфаатлари йўлида давлат хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш, шунингдек, маълумотларни қайта ишлашда давлат органларининг самардорлигини ошириш учун сунъий интеллект технологияларидан кенг фойдаланиш;

фойдали технологик ечимларни ишлаб чиқиш бўйича фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни ўтказиш ва уларни кейинчалик тижоратлаштиришни рағбатлантирувчи сунъий интеллект соҳасида инновацион ишланмаларнинг маҳаллий экотизимини яратиш;

сунъий интеллект технологияларини қўлловчи дастурий таъминот ишлаб чиқувчиларига рақамли маълумотлардан фойдаланиш учун шароит яратиш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг тегишли маълумотларини тезкор рақамлаштиришни таъминлаш;

сунъий интеллект соҳасидаги илмий ишлар ва ишланмаларнинг инвестицион жозибадорлигини шакллантириш, шу жумладан, товарларнинг (иш ва хизматларнинг) ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш;

маҳаллий корхоналар ва мутахассисларнинг сунъий интеллект соҳасидаги ахборот ресурслари ва билимлардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш, шунингдек, зарур таълим муҳитини ривожлантириш;

қўша халқаро тадқиқот фаолиятини амалга ошириш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, республикамизнинг нуфузли рейтинглар ва индексларда позициясини яхшилаш мақсадида сунъий интеллект ва уни қўллаш технологиялари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

(Давоми 2-бетда).

## Бизнинг интервью

### Янги Ўзбекистоннинг Янги Сайловлари

АДОЛАТЛИ ВА ШАФФОФ ЎТҚАЗИЛИШИ УЧУН МУСТАҚАМ ҲУҚУҚИЙ АСОС ЯРАТИЛГАН

Шу йилнинг 8 февраль куни Президентимиз томонидан «Сайлов қонунчилиги тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун имзоланди.

Хўш, ушбу ҳужжат билан миллий сайлов қонунчилигимизда қандай янгиликлар жорий этилмоқда? Умуман, Қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳамда ҳаётини зарурати нималарда намойён бўлади?

Шулар ҳусусида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори, юридик фанлар доктори Фозилжон ОТАХОНОВнинг фикр-мулоҳазалари билан кизиқдик.

— Ҳар бир қонун, аввало, халқнинг хоҳиш-истаклари инобатга олингани ҳолда, ижтимоий ҳаётдаги у ёки бу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, тақомиллаштириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш мақсадида қабул қилинади. «Сайлов қонунчилиги тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун ҳам унга мумкин ҳаётини ахтиёж ва зарурият асосида қабул қилинди.

Жумладан, миллий сайлов қонунчилигини халқаро стандартлар асосида тақомиллаштириш, фуқароларнинг сайловда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган таш-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖАДАЛ ЖОРИЙ ЭТИШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

6) куйидаги устувор тармоқлар ва соҳаларда, шу жумладан, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технология паркларининг ривожланишига жалб қилган ҳолда Сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича 2021-2022 йилларда амалга ошириладиган тажриба-синов лойиҳалар рўйхати 2-иловага мувофиқ:

қишлоқ ҳўжалиги соҳасида: ерни масофадан зондлаш маълумотлари асосида тупроқ ва қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳолатини, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги техникаси, шу жумладан, комбайнлар ишини мониторинг қилиш жараёнида сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Қишлоқ ҳўжалиги вазирилик, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, "Ўзбеккосмос" агентлиги (Ж.Ходжаев, Қ.Юлдашев, Ш.Қодиров);

банк соҳасида: тижорат банклари фаолиятини мониторинг қилиш самардорлигини ошириш ва улар томонидан тартибга солиш талаблари (SubTech ва RegTech) бажарилишини соддаштириш, шунингдек, банк хизматлари кўрсатиш сифатини таҳлил қилиш, фойдаланувчиларни масофадан биометрик идентификациялаш (Face-ID) ва кредит тавakkалчиликларини баҳолаш учун сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Марказий банк, "Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" АЖ, АТ "Алоқабанк" (М.Нурмуратов, А.Мирсоатов, К.Ирисбекова);

молия соҳасида: бюджет харajatлари, пенсия, ижтимоий ва сугурта тўловлари, шунингдек, нафақа тўловларини таҳлил қилиш ва самардорлигини ошириш учун сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Молия вазирлиги (Т.Ишметов);

солиқ соҳасида: юридик шахсларнинг солиқ тушувларини таҳлил қилиш, солиқ тўловларидаги тафовулни аниқлашда сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги (Ш.Қудбиев, Д.Султонов);

транспорт соҳасида: локомотивларни бошқариш жараёнида уларнинг ҳаракатини кузатиб бориш ва хавфли вазиятларда машинистларни оголдиштиришда, жамoат транспорти ҳаракатини таҳлил қилиш ва уларнинг оптимал йўналишларини аниқлашда, шунингдек, автомобиль ҳаракатини ва транспортдаги тирбандликларни мониторинг қилишда сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Транспорт вазирлиги, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, "Тошхазраттрансжизмат" АЖ, Ички ишлар вазирлиги (И.Махаммов, Х.Хасилов, А.Жўраев, А.Икромов);

энергетика соҳасида: энергия ресурсларини ишлаб чиқариш ва уларнинг истеъмолини прогност қилишда, технология уқсуналари ишини оптимallasштиришда сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Энергетика вазирлиги, "Худудий электр тармоқлари" АЖ (А.Султонов, У.Мустафоев);

соғлиқни сақлаш соҳасида: инсон ўпкасининг компьютер томографияси таҳлили асосида пневмонияни аниқлаш ҳамда маммография таҳлили асосида кўкрак бези саратонига илк босқичда тахжис қўйиш учун сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев, А.Азизов);

фармацевтика соҳасида: бозорнинг дори воситалари ва тиббий буюмларига бўлган эҳтиёжларини таҳлил қилиш ва прогностлаштиришда сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Фармацевтика тармоқини ривожлантириш агентлиги, "Дори-Дармон" АК, Соғлиқни сақлаш вазирлиги (С.Кариев, У.Салихбаева, А.Азизов);

электрон ҳўкумат соҳасида: электрон давлат ва молия хизматларини кўрсатишда фойдаланувчиларни масофадан туриб биометрик идентификациялаш (Face-ID) учун сунъий интеллект технологияларини қўллаш — Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиқов).

2. Куйидагиларга:
Иновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов) сунъий интеллект соҳасида илмий-техник тадқиқотлар ва иновацион ишланмаларни қўллаб-қувватлаш;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиқов) сунъий интеллект асосидаги дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш учун технология шaroитларини яратиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони билан ташкил қилинган "Рақамли Ўзбекистон — 2030" Стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссиясига (А.Н.Арипов) (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштириш комиссияси) Дастурни ҳамда сунъий интеллект технологияларини татбиқ этиш ва қўллаш билан боғлиқ бошқа ташаббусларни комплекс мувофиқлаштириш юзасидан жавобгарлик юклансин.

3. Мувофиқлаштириш комиссияси (А.Н.Арипов) етакчи хорижий мутахассислар ва компанияларни жалб қилган ҳолда 2021 йил 1 декабрга қадар яқин ва узок истиқболга мўлжалланган Сунъий интеллектни ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш учун киритсин.

4. Белгилансинки: сунъий интеллект соҳасида илмий тадқиқотлар ва иновацион ишланмаларни молиялаштириш Иновацион ривожланиш ва новаторлик голяларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан ўшбу мақсадлар учун алоҳида очиладиган ҳисоб рақами орқали амалга оширилади;

сунъий интеллект технологияларини қўловчи илмий тадқиқотлар ва иновацион ишланмаларни мақсадли молиялаштириш Жамғармининг маблағлари ҳисобидан Мувофиқлаштириш комиссияси ишчи органининг ҳулосасига кўра амалга оширилади;

Иновацион ривожланиш вазирлиги Мувофиқлаштириш комиссиясининг ҳулосасига кўра, давлат илмий дастурлари бўйича илмий лойиҳаларни молиялаштириш учун мўлжалланган Давлат бюджети маблағлари доирасида Жамғармага сунъий интеллект соҳасида илмий тадқиқот ва иновацион ишланмаларни ҳамда ўшбу соҳани ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини молиялаштиришга маблағларни йўналтириш ҳўқуқига эга.

5. Мўхаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги Интеллектуал-дастурий тизимлар илмий-амалий маркази негизида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги хузуридаги Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда — Институт) ташкил қилинсин.

Куйидагилар Институтининг асосий вазибалари этиб белгилансин:

"Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегиясини ҳар томонлама амалга оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни ташкил қилиш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш;

сунъий интеллект соҳасида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни олиб бориш, рақамли технологияларни ривожлантиришнинг илмий юқотизимини шакллантириш;

сунъий интеллект технологиялари асосида бошқарув ва ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш бўйича иновацион маҳсулотларни ҳамда уларнинг моделлари, алгоритмлари ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш;

сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш бўйича етакчи хорижий иновацион ва илмий муассасалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш.

6. Белгилансинки: Институти юридик шахс макомига эга давлат илмий ташкили бўлиб, Мўхаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги Интеллектуал-дастурий тизимлар илмий-амалий марказининг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳўқуқий вориси ҳисобланади;

2021 йил 1 мартдан бошлаб Институтининг жорий фаолияти, бино ва иншоотлардан фойдаланиш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш (илмий ходимлардан ташқари) бўйича харajatлари молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Институти ходимларига Фанлар академияси тизимидаги илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш микдорлари ва шартлари татбиқ этилади;

Давлат бюджетининг мазуру қарор доирасида Институти фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ харajatлари 2021 йилда биринчи даражада бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги учун ажратилган бюджет ажратмалари доирасида молиялаштирилади, 2022 йилдан эса Давлат бюджетининг харajatлар параметрларида белгиланган тартибда назарда тутилади.

7. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги марказий аппарати тuzилмасида 15 та штат бирлигидан иборат бўлган Сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш департаменти тuzилсин.

Белгилансинки: департамент ходимлари сони мазуру қарорнинг 5-бандига мувофиқ қайта ташкил қилинаётган марказларнинг штат бирликлари ҳисобидан шакллантирилади;

департамент ишини умумий мувофиқлаштириш, уни малакали кадрлар билан тўлдиртиш Бош вазир маслаҳатчаси — Вазирлар Маҳкамасининг IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва иновацион фаолиятини ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи томонидан амалга оширилади.

8. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иновацион ривожланиш вазирлиги, давлат органлари, тижорат банклари ва йирик саноат корхоналарининг Сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича қўшма альянсини 3-иловага мувофиқ таркибда ташкил қилиш бўйича тақлифи маълумлансин.

Белгилансинки: Қўшма альянс сунъий интеллект технологияларини иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада, давлат бошқаруви тизимида жорий қилиш бўйича устувор лойиҳаларни жадал ва биргаликда амалга ошириш, уларни ишлаб чиқиш харajatларини оптимallasштириш, ўшбу соҳадаги энг яхши тажрибаларни давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида оммалаштириш мақсадида ташкил қилинади;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Қўшма альянсининг ишчи органи ҳисобланади.

9. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси 2021 йил 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Оиқ маълумотлар портали фаолияти доирасида маҳаллий илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари ҳамда ахборот технологиялари соҳасидаги дастуричилар ва ташкилотларга сунъий интеллект асосидаги дастурий таъминотда фойдаланиш учун давлат ва бошқа маълумотлар тўпламларини олиш имкониятини тақдим этувчи рақамли маълумотлар платформасини яратсин.

10. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иновацион ривожланиш вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Марказий банк идоралараро ишчи гуруҳини ташкил қилинсин ва энг яхши хорижий тажрибалар асосида 2021 йил 1 июнга қадар Вазирлар Маҳкамасига экспериментал иновацион тадқиқотлар доирасида сунъий интеллект технологияларини қўллаш бўйича махсус ҳўқуқий режими жорий қилинган аниқ механизмлари тўғрисида, шу жумладан, куйидагиларни назарда тутуви тақлифлари киритсин:

тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини сунъий интеллект технологияси асосида трансформация қилишни молиялаштиришга қўмақлаштириш дастурини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини сунъий интеллект технологияси асосида трансформация қилиш натижасида иш жойларини сақлаб қолиш мақсадида ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга кетган сарф-харajatларини субсидиялаш дастурини ишлаб чиқиш;

тадбиркорлик субъектлари учун сунъий интеллект ечимларини ишлаб чиқиш ва ўз фаолиятида жорий қилиш бўйича тадқиқотлар ва ишланмаларни (R&D) рағбатлантируви чоралар куриш.

11. Мувофиқлаштириш комиссиясининг 2021 йилда сунъий интеллект соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш учун оиқ шаклда тақдим этиладиган давлат маълумотларини яратиладиган платформа 4-иловага мувофиқ рўйхат бўйича жойлаштириш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

Сунъий интеллект учун давлат маълумотларини шакллантиришга маълум тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ўзига таасули қисмларда маълумотларни ўз вақтида жойлаштириш, шунингдек, уларнинг тулиқлиги, долзарблиги ҳамда ишончилиги юзасидан шахсан жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси сунъий интеллект технологиялари асосида қайта ишлаш учун тақдим этиладиган рақамли давлат маълумотлари тўпламларига кириш имкониятини ташкил қилиш ҳамда уларнинг сифати устидан тизимли назоратни таъминласин.

12. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Иновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда "Ўзстандарт" агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда сунъий интеллект ва катта ҳажмдаги маълумотлар соҳасидаги халқаро стандартларни Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлари сифатида қабул қилиш бўйича ишлар жадалвини тасдиқласин.

13. Куйидагилар:

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб грант асосида "Сунъий интеллект" йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш босқичма-босқич бошланадиган олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар рўйхати 5-иловага мувофиқ;

Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллект технологияларини амалий қўллаш бўйича ўқув курслари ва фанларини жорий қилиш кўзда тутилган олий таълим муассасалари рўйхати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб 5 ва 6-иловаларда кўрсатилган ҳар бир олий таълим муассасасига камида бир нафар етакчи хорижий эксперт

ва олимни сунъий интеллект ва уни қўллаш технологиялари соҳасида ўқитишда иштирок этиш учун жалб қилинсин.

Белгилансинки, хорижий экспертлар ва олимларни олий таълим муассасаларига жалб қилиш билан боғлиқ харajatлар уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қолланади.

14. Иновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги 2021 йилдан бошлаб сунъий интеллект соҳасида стажёр-тадқиқотчилар ҳамда таянч докторантурада тахжис олиш учун ҳар йили 5 кишилик квотани мақсади ажратишни кўзда тутисин.

15. Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси, Иновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги "Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект" докторантура иқтисослигини ташкил қилишни кўзда тутисин.

16. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, АТ "Алоқабанк", "Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" АЖ томонидан "Сбер" гуруҳи (Россия) билан биргаликда сунъий интеллект технологияларини татбиқ қилиш соҳасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ишлари олиб борилаётганига маълумот учун қабул қилинсин.

Бош вазир маслаҳатчиси О.М.Умаров, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиқов, О.Пекос), Иновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов, А.Назаров), АТ "Алоқабанк" (К.Ирисбекова), "Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" АЖ (А.Мирсоатов) иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари эҳтиёжларидан келиб чиқиб, "Сбер" гуруҳи (Россия) билан хорижий илгор тажриба ҳамда энг яхши тажрибалар асосида сунъий интеллект технологиялари ва бошқа дастурий маҳсулотларни жорий этиш масалалари бўйича ҳамкорликни фаоллаштириш чораларини курисин, шу жумладан:

бир ой муддатда пилот лойиҳаларини тезорорлик билан самарали амалга ошириш, маҳаллий мутахассисларни ўқитишни ташкил қилиш, шунингдек, мазуру қарорда белгилаб берилган бошқа йўналишларда ҳамкорлик қилиш бўйича биргаликда "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

сунъий интеллектни ривожлантириш ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятида, шунингдек, ўшбу соҳада норматив-ҳўқуқий базани тайёрлашда маслаҳатчи сифатида қатнашиш учун "Сбер" гуруҳининг (Россия) етакчи мутахассислари ва экспертлари жалб қилинишини таъминласин.

17. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Иновацион ривожланиш вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида мазуру қарорнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида чиқишлар ва тематик телекўрсатувлар ташкил қилинсин.

18. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда икки ой муддатда конун ҳўжатларига ўшбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариштириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

19. Иновацион ривожланиш вазири И.Ю.Абдурахмонов ҳамда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М.Садиқов зиммасига мазуру қарорнинг бажарилишини самарали ташкил қилиш бўйича шахсий масъулият юқлатилсин.

Мазуру қарорнинг 2, 3 ва 4-иловаларида кўрсатилган вазирлик, идора ва ташкилотлар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган ҳолда йигирма кун муддатда юқлатилган вазибаларни амалга ошириш бўйича "манзилли йўл хариталари" (чора-тадбирлар дастурлари)ни тасдиқласин.

Мувофиқлаштириш комиссияси (А.Н.Арипов) мазуру қарорнинг бажарилишини ҳар чорақда муҳокама қилиш, маълумотларни, идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилишни таъминласин.

20. Мазуру қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари Р.А.Гулямов, А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 17 февраль

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ САЙЛОВЛАРИ

АДОЛАТЛИ ВА ШАФФОФ ЎТҚАЗИЛИШИ УЧУН МУСТАҲҚАМ ҲЎҚУҚИЙ АСОС ЯРАТИЛГАН

Этиборлиси, илк марта Инсон ҳўқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан "Конун лойиҳасининг инсон ҳўқуқларига мувофиқлиги юзасидан экспертиза"си амалга оширилди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, "Конунларнинг ягона ва бирдан-бир манбаи халқ бўлиши лозим". Шу боси ҳўжатни ишлаб чиқиш жараёнида жамoатчиликнинг тақлифи ва муносабати ўрганилди, яъни бир неча маротаба муҳокамалар ташкил этилди.

Конунга киритилган ўзгаришларга тўхталиб ўтадиган бўлсам, унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов, Олий Махжис Конунчилик палатасига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат мuddати тугайдиган йилнинг октябр ойи учинчи ўн кунлиги биринчи яшанбасига кўйрилди. Сабаби сайловларнинг қиш ойида, яъни декабрда ўтказилиши фўқароларга қатор нуқуллийларни юзга келтираётган эди.

Сайловчилар, номзодлар ва халқаро кузатувчилар учун қўлай бўлган янги ҳақда самарали механизмларни жорий этиш мақсадида ишлаб чиқилган мазуру ўзгариш Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтилар ва инсон ҳўқуқлари бўйича бюросининг тасвияларига ҳам тўлиқ мос.

Тахлилларга кўра, ривожланган мамлакатлар — АКШ, Швейцария, Испания, Уругвай, Чили, Иордания, Молдова давлатларида сайловлар октябр-ноябрь ойлариде бўлаб ўтади. Бундан кўриш мумкинки, уларни ўтказиш мuddатининг куз фаслига (октябр ойига) кўйрилиши хорижий давлатлар тажрибасида ўзини ҳар жиҳатдан оқла-

ган ва синовдан ўтган ижобий тажриба ҳисобланади.

Яна бир муҳим масала бор. Бу мазуру тадбир жараёнларини молиялаштириш билан боғлиқ. Ўшбу ҳолатларнинг очиклигини таъминлаш, маблағларнинг сарфланиши устидан таъсирчан жамoатчилик назоратини ўрнатиш муҳим аҳамият касб этади.

ривожланиш жараёнида сайловларнинг таъминлаш тартиби, овоз бериш вақти ва жойи ҳақида сайловчилар ҳамда кузатувчиларни хабардор қилиш усуллари, овоз бериш жараёнини ўтказиш ва расмийлаштириш каби босқичлар барча учун тушунарли тарзда белгиланган. Шу сабабли хориждаги сайлов-

диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари, судьялар, ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари, ҳарбий хизматчиларнинг сайлов-олид ташкилотиде иштирок этиши тақлиқланди.

Шунингдек, Конунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мазуру халқий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахсларига ўз мансаб ҳамда хизмат маквидан сайловолди ташкиоти вақтида ҳар қандай сиёсий партиянинг ва номзоднинг фойдасига ёки унга қарши фойдаланиши тақлиқланиши ҳам белгиланди.

Мазуру нормалар сайловолди ташкилотлари ҳолисона ҳамда мустақил жараён сифатидаги мақомини сақлаган ҳолда ўтказилиши, номзодларнинг ҳўқуқлари ва конуний манфаатлари таъминланган ҳолда улар учун тенг имкониятларнинг яратилиши ҳамда сиёсий партияларнинг ўз дастурларида белгиланган устувор вазибаларини сайловчиларга етказишда турли таъсирларнинг олдини олишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Мазуру масала юзасидан ҳам хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсам, Испания, Швейцария, Козогистон, Италия каби мамлакатларда сайловолди ташкилотлари олиб боришда иштирок этиши тақлиқланган шахслар ва амалга ошириш мумкин бўлмаган хатти-харакатларнинг рўйхати аниқ белгиланган.

Умуман, киритилган ўзгаришлар сайловлар, том маънода, "давлатнинг эртасини белгилаб берувчи сиёсий жараён" сифатидаги нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Милланган ҳолда улар учун тенг имкониятларнинг яратилиши ҳамда сиёсий партияларнинг ўз дастурларида белгиланган устувор вазибаларини сайловчиларга етказишда турли таъсирларнинг олдини олишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Мазуру масала юзасидан ҳам хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсам, Испания, Швейцария, Козогистон, Италия каби мамлакатларда сайловолди ташкилотлари олиб боришда иштирок этиши тақлиқланган шахслар ва амалга ошириш мумкин бўлмаган хатти-харакатларнинг рўйхати аниқ белгиланган.

Умуман, киритилган ўзгаришлар сайловлар, том маънода, "давлатнинг эртасини белгилаб берувчи сиёсий жараён" сифатидаги нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шуни ҳам айтиш керакики, Конунни

қабул қилишда нафақат илмий, назарий ва хорижий тажриба, балки ўтган йиллар давомида мамлакатимизда сайлов соҳасида тўплаган бой амалий тажриба ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Мантиқан қарал

Ўзбекистон — Россия:

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича парламентлараро комиссиянинг видеоконференцалоқа шаклида бешинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Учрашув

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Соҳиб Сафоев (комиссиянинг Ўзбекистон томонидан ҳамраиси), Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раисининг ўринбосари Ильяс Умаханов (комиссиянинг Россия томонидан ҳамраиси), комиссия аъзолари, икки давлатнинг дипломатик идоралари раҳбарлари, шунингдек, вазирлик ва муассасалар раҳбарлари иштирок этди.

Ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумни тайёрлаш ва имзолашга келишиб олинди. Тадбирда Россия томони Ўзбекистон Россия учун азалий шерик ва иттифоқдош эканини ургулади. Сўнгги йилларда савдо-иқтисодий ҳамкорлик сифати ўзгариб бораётгани кунда бу нафақат ўзаро махсус эътиборга эришилган, балки юқори технологик лойиҳаларда ҳам намоён бўлмоқда.

Шунингдек, пандемия шароитида агросаноат комплекси соҳасида ўзаро ҳамкорлик масалалари ҳам муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, 2020 йилда икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси 2019 йилдагига нисбатан 1,5 баравар ошган. Айни пайтда эса махсус эътибор берилган ҳавфсизликни мустаҳкамлаш, логистикани такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, парламент аъзолари томчилаб сўрагани, узоқ вақтгача ишлар олиб борилмоқда.

Учрашувда икки давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга катта аҳамият бераётгани алоҳида таъкидланди. Жумладан, ўтган йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ҳамда Россия Федерацияси Президентини Владимир Путиннинг сиёсий иродаси ва қатъияти туфайли Ўзбекистон — Россия стратегик ҳамда иттифоқдош шериклигини ривожлантириш янги босқичга кўтарилди.

Томонлар сўнгги вақтда икки мамлакат ўртасидаги парламентлараро мулоқот ҳам фаоллашганини қайд этди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши ўртасидаги муваффақиятли ҳамкорлик мамлакатларимизнинг кенг қамровли алоқалари, жумладан, нуфузли халқаро парламент тузилмалари доирасидаги муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда чуқурлаштиришга хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Мажлисида меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳамкорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. Томонлар асосий эътиборни ушбу соҳадаги долзарб муаммоларни биргаликда ҳал этишга ва келгусидаги режаларга қаратди. Учрашувда Меҳнат миграцияси масалалари бўйича

«Халқ сўзи».

Парламент дипломатияси

КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ЎЗАРО МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

18 февраль куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Парламентлараро Иттифоқнинг йиллик парламент эшитиш давом этди.



Хар йили Бош Ассамблеяда Парламентлараро Иттифоқ парламент аъзолари, БМТ расмийлари, БМТ дипломатик ҳамжамияти вакиллари, шунингдек, етакчи олим ва мутахассислар билан фикр алмашиш учун парламент эшитишлари уюштирилади. Ишловчиларнинг таъкидлашича, парламент дипломатияси энг долзарб халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал этиш, коррупциянинг замонавий муаммо ҳамда таҳдидларига жавоб топишда турли мамлакатлардан келган парламентарийларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга замин яратмоқда.

У БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси қонунларининг Ўзбекистонда амалга оширилиши бора-бора яқинлашган ҳолатида сўзлашди, шунингдек, парламент аъзолари ва ишловчиларни COVID-19 пандемияси шароитида коррупциянинг олдини олиш бўйича мамлакат парламенти ҳамда ҳукумати томонидан қўрилган чора-тадбирлар билан таништирди.

Таъкидландики, ушбу чора-тадбирларнинг барчаси давлатлар томонидан коррупция ва порахўрликнинг барча шаклини сезиларли даражада қаматириш бўйича мажбуриятларни ўз ичига олган БРМнинг 16 мақсадини амалга оширишга имкон беради.

Парламент эшитиш иштирокчиларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш ташаббуси ҳақида ҳам маълумот берилди.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишнинг қонунчилик ва институционал асослари, хусусан, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолияти тўғрисида маълумотлар тақдим этилди. Парламентнинг коррупцияга қарши курашиш қўмиталари ва маҳаллий вакиллик органларидаги шу каби комиссиялар фаолияти ҳақидаги маълумотлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Бундан ташқари, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасизлик муносабатини яратиш, таълим муассасалари ўқув дастурларида коррупцияга қарши курашиш махсус курсларини жорий этиш бўйича илмий чора-тадбирлар амалга оширилгани ҳақида айтиб ўтилди. Махсус e-anticor.uz интернет платформаси ва мобил илоҳа яратилмоқдаки, унинг ёрдамида фуқаролар бу иллат ҳақида маълумотлар олишлари мумкин. Коррупция ҳолатларини хабар қилган фуқаролар эса пул мукофотлари билан таъкидланди.

Шу билан бирга, миллий ва халқаро экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари фаол иштирокчи Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган миллий стратегияни тайёрлаш ишлари бошлангани ҳақида ҳам атрафлича маълумот берилди.

«Халқ сўзи».

Анжуман

«ТЕРРОРИЗМ, ЭКСТРЕМИЗМ ВА РАДИКАЛИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ»

Кеча пойтахтимизда айни шу мавзуда халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Ёшлар ишлари агентлиги, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш, Ташқи ишлар вазирлиги, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ), ЕХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги вазирлик вакиллари ҳамда БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Азиз Абдуҳақимов кириш сўзи билан очди.

Унда таъкидланганидек, дунёда 7,9 миллиард аҳоли яшаётган бўлса, уларнинг 2,3 миллиарди ёшлардир. Ўзбекистонда 30 ёшгача бўлганлар мамлакат аҳолисининг 55 фоизини, яъни 18 миллионни ташкил қилади.

Бошқа мамлакатларда бўлгани каби экстремизм, терроризм ва радикализм каби жиддий таҳдидларнинг ёшларимизга таъсири бошқа омилар ҳамда хавфларга нисбатан юқори. Халқаро ҳамжамият, халқаро ва минтақавий ташкилотлар томонидан жазон бийқисда ушбу хавфларга қарши курашиш бўйича муҳим ишлар олиб борилмоқда ҳамда маълум бир маънода ижобий натижаларга эришилган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2021 йил «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» деб эълон қилингани ҳамда жорий йилда Давлат таъдбири аналга ошириш учун йирик миқдорда маблағ ажратилиши, қолаверса, «Меҳр-1», «Меҳр-2», «Меҳр-3» операциялари доирасида Сурия ҳамда Ироқдаги ҳарбий лагерлар зоналаридан 200 дан ортиқ

аёллар ва болалар Ўзбекистонга олиб келингани қайд этилди. Шундан сўнг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Бош котиби Владимир Норов сўзга чиқиб, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йилга берилган номини эътиборга оларкан, бу мамлакат йигит-қизларининг ватанпарвар ҳамда эл-юртга садоқатли бўлиб етишишида муҳим эканини таъкидлади.

Тадбирда, шунингдек, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг бош котиби Бағдат Амреев, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш Котибиятининг Ижрочи директори Кайрат Сарибай, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедев ва бошқалар сўзга чиқди. Бундан ташқари, БМТ Бош котиби ўринбосари Владимир Воронков илк бор Ўзбекистон ёшларига мурожаат қилди.

Видеоконференция тўрт сессиядан иборат бўлиб, унда халқаро экспертлар ва хорижий мамлакатлар кузатувчилари терроризм, экстремизм ҳамда радикализмга қарши курашиш бўйича самарали харақатларни амалга оширишга доир тажрибалари билан ўртоқлашди.

Анжуман доирасида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш, ШХТ, МДҲ ҳамда БМТга аъзо мамлакатлар ёшлари ўртасида терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши курашишга эътиборни янада кучайтириш, шунингдек, биргаликда самарали фаолият олиб боришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЁТДА ТЕНГ ИШТИРОКИ — БАРҚАРОР ЎСИШ ОМИЛИ

Яқинда «Хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш орқали ЕХТ минтақасида умумий хавфсизлик, барқарорлик ва доимий тараққиётни рағбатлантириш» мавзусида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 29-иқтисодий ҳамда экологик форуми бўлиб ўтди.

Халқаро форум

Онлайн тарзда ўтказилган мазкур анжуман да ЕХТ, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбирда хотин-қизларнинг иқтисодий ҳаётини яқинлаштириш, барқарор ўсиш ҳамда ҳамжихат жамият яратишга салмоқли ҳисса қўшаётгани, бу хавфсизлик ва

қўллаб-қувватлаш сингари масалалари кўмитаси раиси Малика Қодирхонова пандемия даврида Ўзбекистонда аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида атрафлича ахборот берди.

Тадбирда хотин-қизлар касбий малакасини ошириш учун тенг имконият яратиш ва иш ҳақидаги фарқни қаматириш мақсадида хусусий сектор билан мулоқот ўрнатиш, бандлик секторларини диверсификациялашни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қўриши, шунингдек, тадбиркорлик ва бошқа меҳнат қўнимчаларини шакллантиришга эътибор қаратиш зарурлигига ургу берилди.

Иштирокчилар шу йўналишда келгусида ҳам изчил ҳамкорлик қилишга келишиб олдидлар.

«Халқ сўзи».

Акс садо

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақти-соати келганлиги ҳамда бу борада Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилишига алоҳида масала сифатида тўхталиб ўтди. Бу, албатта, Ўзбекистон банк тизимида тарихий аҳамиятга эга бўлиб, келгусида уларнинг фаолиятида самарали хизмат кўрсатиши ва соғлом рақобат муҳитини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

ИСЛОМ МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАРИ БУ ҚАНЧАЛИК ФЙДАЛИ?

Ўзбекистонда ислом банк хизматлари бўлган талаб жуда юқори. Уни мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 90 фоиздан зиёдини мусулмонлар ташкил этиши ва уларнинг ислом молияси ҳамда банк ишига бўлган эҳтиёжлари ортиб бораётганидан кўриш мумкин.

Фикримизга тасдиқ сифатида айнан шу хизматларга эҳтиёж ортиб бораётганини 2020 йилда БМТ Тараққиёт дастури томонидан «Ўзбекистонда барқарор тараққиётни молиялаштириш» мавзусидаги тадқиқот доирасида ўтказилган сўровномада иштирок этган корхона ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллари

нинг 60 фоизи ва аҳолининг 68 фоизи банкдан кредит олмаслигига асосий сабаб диний қарашлари эканлигини билдирганини келтириш мумкин. Шу билан бирга, сўровномада қатнашган тижорат банкларининг барчаси ислом молияси ҳамда банкчилиги жорий қилиниши қўллаб-қувватлашни билдирган.

Шунингдек, 2020 йилнинг 19 декабр кунини Ислом тараққиёт банки директори кенгаши Ўзбекистонда умумий қиймати 509,2 миллиард доллар тенг бўлган иккинчи йиллик ва иқтисодий жиҳатдан аҳамиятли лойиҳани молиялаштиришни маълумлади. Бу ресурслар вилоятларда инфратузилма ва ижтимоий объекتلари модернизация қилиш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, худудларни ривожлантириш, маҳаллий клиникаларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш каби бир қатор ижтимоий-иқтисодий аҳамият молик лойиҳаларга сарфланади.

Шундан келиб чиқиб ай-

Акрам ОМОНОВ, иқтисодий фанлари доктори, профессор, Илҳом РАҲМОНОВ, иқтисодий фанлари доктори, профессор.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА САМАРАДОРЛИК ЯНАДА ОРТАДИ

Президентимизнинг шу йил 3 февраль куни қабул қилинган «Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони соҳада фан ҳамда амалиёт рағбатига тўсиқ бўлаётган бир қатор долзарб муаммолар ечимларини топишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Хусусан, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда агрокластерлар, фермер хўжаликлари каби амалиётлар учун «таълим — илм-фан — ишлаб чиқариш»нинг узвий интеграциясини мустаҳкамлаш орқали бир бутун тизим самарадорлигини ошириш бўйича аниқ ечимлар қабул қилинганлиги айни мuddао бўлди.



Нуқтаи назар

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказига асос солинаётгани ва унинг мазкур тизим фаолиятига масъул этиб белгиланиши ана шундай ечимлар сирасига кириди. Фармонда белгиланган вазифаларни бажаришда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини 2021 — 2025 йилларда устувор ривожлантириш концепцияси миллий марказ ходимлари ва олимлари учун дастуриламал бўлади.

Мазкур Фармон ижросини таъминлашга қаратилган «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурдаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарор билан илм-фан, таълим ва малака ошириш ҳамда агрохизматлар (ишлаб чиқариш) йўналиш-

ларининг мувофиқлаштириш вазибаларини бажариш миллий марказ раҳбарининг алоҳида-алоҳида ўринбосарларига юклатилганлиги жуда тўғри ёндашувдир. Чунки бу юмушлар бир қўл остида бажарилмаса, педагог олимни, олим ва педагог бир бўлиб амалиётчиликни излашда давом этаверса, таълимдаги ютуқлар фанга, янгиликларни амалиётга туялгангача жорий этилмасдан қолаверади.

Таълим жараёнини илм-фан билан интеграция қилиш ҳамда ташкил этиш вазибалари олий таълим муассасалари кафедралари ҳамда илмий-тадқиқот институтлари директорларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосарларига тўғридан-тўғри юклатилаётгани ҳам бежиз эмас. Зеро, олимлар соҳага тўғри жалб этилса, талабалар фандаги энг янги, энг муҳим натижалар билан танишади. Иқтидорли олимлар бака-

лавларнинг битирув ишларига ва магистрларнинг диссертация излаш ишларига раҳбарлигини ўз зиммаларига олсалар, илмга чанқок ёшларни четдан қидириб юрмайди. Пировардида ҳозирча оқоқланиб келаётган «бакалавриатура — магистратура — докторантура» тизимининг «қадами» тезлашади, кечаги магистр бугунги докторантга айланади. Булардан ташқари, олимнинг таълим, педагогнинг тадқиқотлар жараёнидаги иштироки тегишли кафедраларни етук олимлар билан, илмий лабораторияларни эса малакали методист ўқувчилар билан бутлашдек ўта муҳим масаланинг ижобий ечимини таъминлайди.

Фармонда «Миллий марказ ўз тизимидаги илмий-тадқиқот муассасасаси фаолиятига беvosита раҳбарлик қилади, чорвачилик йўналишлари, ўрмон ва сув хўжалиги, ипачилик соҳаларида фаолият юритувчи илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликдаги фаолиятни йўлга қўяди, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги олий ва профессионал таълим муассасалари-

нинг илмий ва инновацион фаолиятини мувофиқлаштирилади» деб белгилаб қўйилгани қишлоқ хўжалигидаги турли хил илмий ва инновация ишларининг мақсадида ҳамда тизимли равишда бажарилишига йўл очади. Масалан, чорва хайвонларининг насличилиги билан Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти, уларнинг озуқаси — беда селекцияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари

илмий-тадқиқот институти, беда етиштиришнинг интенсив механизациялашган технологиялари билан Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти, хайвонларни касалликлардан ҳимоялаш бўйича Ветеринария илмий-тадқиқот институти, бу тадбирларнинг самарасини баҳолаш билан Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодий илмий-тадқиқот институти олимлари шугулланишади. Эндилдиқда бу масалалар тарқок эмас, балки миллий марказ томонидан яхлит комплекс илмий-тадқиқот лойиҳаси ёрдамида ечилади ва мувофиқлаштирилади.

«Таълим — илм-фан — ишлаб чиқариш» тизимини ривожлантиришда қишлоқ хўжалигининг устувор йўналишлари, глобал, минтақавий ва худудий муаммоларнинг илмий ечимларини тадқиқ қилиш бўйича беш йиллик дастурларнинг ўрни алоҳида бўлади. Чунки бундай дастурлар қишлоқ хўжалиги соҳасидаги идоралар, уюшмалар ва бошқа ташкилотлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари,

Муҳаммад ТОШБОЛАЕВ, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари, техника фанлари доктори, профессор.

## ФАРҒОНАДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР ҲОЛАТИ ЎРГАНИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Хайриддин Султонов бошчилигидаги республика ишчи гуруҳи Фарғона вилоятида бўлиб, маънавий-маърифий ишлар ҳолатини ўрганди. Соҳада амалга оширилши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди.

### Тадбир

Жараёнда вилоятдаги ибратли тажрибалар алоҳида эътироф этилиб, камчилик ва муаммоларни барта- раф этиш чоралари кўрилди. Ўз навбатида, шаҳар-туманларда ижодий учрашувлар, юзма-юз мулоқотлар ташкил қилиниб, ўнлаб ёш истеъдодларнинг янги қирралари кашф этилди.

Кўҳна санъат ва маданият маскани Марғилон шаҳрида қад ростлаган мусиқали маком театри жамоаси мумтоз меросимизни авайлаб асрашга катта ҳисса қўшяпти. Республика ишчи гуруҳи аъзолари театр фаолияти билан яқиндан танишди, янги сахна асарлари орқали замонамиз қаҳрамонлари тисолини яратиш бора- сида Ўзаро фикр алмашилди.

Марғилон шаҳридаги ижод- корлар боғи ва Ўзбекистон

халқ шоири Эркин Воҳидов но- мини абадийлаштириш мақса- дида амалга оширилган эзгу ишлар эътиборга сазовордир. Бу масканда Ўзига хос ижодий муҳит яратилган бўлиб, инсон ва табиат уйғунлигини намойён этувчи ёқимли манзаралар қал- бингизга ором бағишлайди.

Меҳмонлар ушбу боғда Эркин Воҳидов ҳайкали пойига гуллар кўйди.

Тадбирлар доирасида Эркин Воҳидов номидаги она тили ва адабиёт фанини чуқур ўқитиш- га ҳамда хорижий тилларга их- тисослаштирилган мактаб-ин- тернатда адабий учрашув уюштирилди. Унда вилоятнинг таниқли ёзувчи-шоирлари, ёшлар, кенг жамоатчилик ва- киллари иштирок этди.

Президент маслаҳатчиси Хайриддин Султонов миллий


фоя тарғиботи, маънавий-маъ- рифий ишлар самарадорлиги- ни ошириш, жамиятда ада- биёт ва китобхонликни янада ривожлантириш ҳамда ижод- корларнинг мазкур жараёнда- ги шарафли ва масъулиятли бурчи борасида ўз фикрлари- ни билдирди. Ёш ижодкорлар- нинг истеъдодига юксак баҳо берди.

— Бу маскан Фарғона ви- лоятининг Ўзига хос адабий муҳитини намойён этувчи табар- руқ гўша, ёзувчи-шоирларни муштарак мақсад йўлида жи- пислаштирувчи ижодхона, — дей- ди таниқли шоир Баҳодир Исо. — Бундай адабий анжуман- ларнинг тез-тез ўтказилиши эса баркамол авлод орзуси йўлидаги эзгу ташаббуслар- ни юртимиздаги ҳар бир оила, инсон ҳаётига татбиқ этишга хизмат қилади. Адабий, маъ- навий-маърифий ишлар самарадорлигини янада юксалтиради.

Худди шу мавзудаги маънавий-маърифий тадбир Фарғона политехника институ- тида ҳам ўтказилди.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

# ЧОРЧИНОРНИНГ



### Таассуф

— Улуғ аждодларимизнинг ҳаёти ҳаммамиз учун ибратли- дир, — дейди чорчинорлик 74 ёшли отахон Аҳмад Боқиев. — Авлоддан-авлодга ўтиб ке- лаётган ривоятларга кўра, чи- нор кўчатини ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ўтказган экан. Узим тарих фани ўқитувчиси бўлган- им учун бу гўшанинг ўтмиши- дан анча хабардорман. Ховуз атрофида аслида тўртта чинор бўлган. Ҳозир чинорлардан аттиги биттаси қолган, холос. Бошқалари эса эътиборсизлик оқибатида қуриб кетган, ёқиб юборилган.

Айтишларча, бир пайтлар шу ердан ўтган йўл Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳининг кунботар дарвозасига бориб туташган. Жазирама иссиқ- да ҳовуз атрофи жоннинг роҳати бўлган — бу ерга, ҳатто тангадек офтоб нури ҳам тушмаган. Зиёратчилар аввал шу ерга келиб, хордиқ чиқарган, юз-қўлини ювиб, покланиб, кейин қадамжо сари йўл олган.

— Яқинда бир хорижий сайёҳ шу ерда бўлди, — давом этади Аҳмад ака қўли- даги харитага қараб, — Баҳоуддин ҳазратлари қада- ми теккан жойларнинг ён-ат- рофидаги нохуш манзарани кўриб меҳмоннинг олдида жуда хижолат чекдим. Киш- лоғимиз вакили Шавкат Бектошев билан шу ерда яшовчиларни ободончилик ишларига чақиряпмиз. Аммо ҳозирча нафи бўлмапти.

Умуман олганда, юртимиз ўтмишининг ўрганилмаган жиҳатлари, илмий тасдиқини кутаётган жабҳалари хали кўп. Бу эса олимларимизни, айниқса, маҳаллий тадқиқот- чиларни кўпроқ изланишга, ўрганишга чорлайди.

Агар чинорнинг ёши етти асрдан ошгани, бу ердаги қадимий масжид- нинг пойдевор қисми сақланиб қол- гани, қишлоқ аҳли

Бухоро вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси маълумотларига қараганда, вилоятда ёши 100 ва ундан катта бўлган 213 та дарахт мавжуд. Айниқса, улар орасида Когон туманининг Баҳоуддин Нақшбанд номидаги маҳалла фуқаролар йиғини, Чорчинор қишлоғидаги чинор алоҳида ажралиб туради.

Бошқарманинг бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи Абдуқаҳҳор Фафоровнинг билдиришича, ушбу чинор дарахти 702 йил умр кўрган.

## ЧИНОРЛАРИ ҚАНИ?



даги тартиблар асосида да- рахтнинг номи, ёши, манзи- ли, рўйхатга олинган сана кўрсатилгани ҳолда, чинор ёнида махсус белги (афи- ша) ўрнатилиши ҳамда маз- кур табиат ёдгорлигини му- хофазалаш ишлари таъмин- ланиши лозим. Амалда эса ҳеч иш қилингани йўқ.

Шу ўринда савол туғилади, ҳокимнинг қарори нима учун қабул қилинади? Ижро этиш учунми ёки кўзбўямачилик учунми? Наҳотки Чорчинорда- ги аҳволни кўриб, мутасадди- ларнинг юраги “жиз” этмаса?!

хунарманд бўлгани каби далиллар эъти- борга олинса, чин- дан ҳам мазкур гўшага улуғ бобо- калонимиз, нақшбан- дия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд назари тушгани аниқ. Аф- суски, шундай азиз гўша яқин ўтмишда- ги манқуртлик қурбо- ни бўлди.

Ачинарлиси, ўзи ўтирган шохга болта урарлар ҳозир ҳам йўқ эмас. Гап шундаки, ҳовуз ва чинор атрофи ким- ларнингдир айби билан чиқиндиҳонага айланган. Бу ҳам етмаганидек, ён-атрофда яшовчилар ҳовуз теварағида- ги ерни ҳовиларига қўшиб

олган. Қадимда одамлар қадами узилмаган обод гўшанинг бугунги аҳолини кўриб, қаровсизлик, лоқайд- лик, виждонсизлик ҳам эви билан-да, бу маҳалланинг эгаси борми ўзи, деган са- вол туғилади.

Бошқарма маълумотлари- га кўра, ёши 100 йил ва ун- дан ошган дарахтларни хат- ловдан ўтказиш, уларни дав- лат табиат ёдгорликлари, деб эълон қилиш ҳамда муҳофа- за этиладиган табиий худуд- ларни давлат кадастрига кир- ритиш тўғрисида ўтган йил май ойида Когон тумани ҳокими томонидан қарор қабул қилинган. Унда туман худудидagi ёши 100 йил ва ундан ошган дарахтлар, жум- ладан, Чорчинордаги чинор “Давлат табиат ёдгорлиги” деб эълон қилинсин, дейил- ган. Қарорга мувофиқ, амал-

Ахир Чорчинордаги ҳовуз атрофи ободон- лаштирилса, чинор кўчат- лари ўтказилса, уйлар мил- лий анъаналар асосида тартибли барпо этилса, бу — қадимий гўша етти климдан Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳига ошиққан зиёратчи сайёҳ- ларнинг сеvimли манзили- га айланмайдими?!

Айланади, албатта. Ас- лида ҳамма гап иштиқда, амалий ҳаракатда. Ўйлай- мизки, буни мутасаддилар, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари ҳам тўғри тушуниб, масалага жиддий эътибор қаратиш- са, муаммага ижобий ечим топилиши, шубҳасиз.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

### Тиббиёт



## АНИҚ ТАШХИС, ТЕЗКОР МУОЛАЖА

Сирдарё вилояти кардиология диспансерида рентгенэндоваскуляр хирургия бўлими очилди. Энди юрак-қон томир касалликларидан инфарктнинг ўткир тожли синдроми оқибатида ёпилиб қолган томиларни стент қўйиш билан очиш бўйича жарроҳлик амалиёти Гулистонда ҳам амалга оширила бошланди.

Ихтисослаштирилган бўлим мукамал ди- агностика ва замонавий жар- роҳликни ўтказишда қўллани- ладиган энг замонавий асбоб- ускуналар билан таъминланди. — Эндоваскуляр жарроҳлик бўйича бир неча йиллар моб- айлида Москвада ҳам назар- ий, ҳам амалий тажриба ор- тирдим, — дейди жарроҳ

Хуршид Ҳакимов. — Устозла- римнинг чорлови билан бугун- дан мана шу бўлимда иш бош- ладим. Узим шу худуднинг Мирзаобод туманида туғилиб ўсганман. Ўйлайманки, вилоят- тимизда янги ташкил этилган даволаш йўналиши қўллаб ин- сонларнинг соғлигини тиклаш, ҳаётини сақлаб қолишга хизмат қилади.

Биринчи иш куниданоқ беш нафар беморда жар- роҳлик амалиёти ўтказилди. Фуқаролар соҳадаги бундай ислохотлардан миннатдор. Зеро, бу хайри иш ортик- ча оворагарчиликлар ва ха- ражатларни камайтиради.

Бундан ташқари, яқин келажақда уйку ҳамда қўл- оёқ артерияларида ҳам ана шундай жарроҳлик муола- жалари йўлга қўйилиб, ке- чаю кундуз ишлаши таъ- минланади.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

## ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНИШГА АСОС ЯРАТМОҚДА

Мамлакатимизда қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш, махсулот турларини маҳаллийлаштириш даражасини юксалтириш, тармоққа инвестициялар, илм-фан утуқлари, инновацион технологияларни кенг жалб қилиш борасида тизимли ишлар амалга ошириляпти. Бундай саъй-ҳаракатлар, ўз навбатида, ички бозорни маҳаллий қурилиш материаллари билан тўлдирди ва экспорт салоҳиятини кўтариш имкониятини кенгайтирмоқда.

### Молия муассасаларида

Бунга ҳамоҳанг тарзда мамлакатимизда қури- лишлар кенг қўлаб касб этмоқда — олиб бори- лаётган бунёдкорлик, яратувчанлик ишларидан беихтиёр кўз қувнайди. Айни чоғда кўп қаватли бино-иншоотлар ҳар жи- ҳатдан чидамли бўлиши учун замонавий талаблар мавжудлиги сир эмас. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари ҳам халқ- ро сифат стандартлари- га, энергия тежовчи тех- нологиялар талабларига тўлиқ жавоб бериши жоиз.

“Ўзбекистон Респуб- ликаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ томонидан тадбир- корлик субъектларига молиявий ёрдам бериш, ишлаб чиқаришни та- комилаштириш ва унинг географиясини кенгайти- риш борасида қўрилаёт- ган тизимли чоралар ай- нан шундай лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қа-



ратилгани билан аҳа- миятлидир. Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида ўтган йилнинг июнь ойи- да ишга туширилган “Gold Bricks” масъулият чекланган жамияти ҳам қурилиш махсулотларини ишлаб чиқаришга ихти- сослаштирилган бўлиб, АҚШ технологияси асо- сида жиҳозланган. Мазкур корхонага “Миллий банк” АЖ томо- нидан лойиҳа рўёби учун 983 минг АҚШ доллари миқдорига кредит ажра-

тилди. Корхонага хориж- дан замонавий техноло- гиялар келтириб ўрнатил- ди. Бунинг натижасида турли рангдаги фасад гишталари тайёрлана бош- ланди.

Корхона йилига 30 мил- лион дона сифатли гишт ишлаб чиқариш им- конига эга. Мазкур тур- даги гишталарни тайёр- лаш учун хом ашё эса Оҳангарон туманидан олинади. Яъни масофа айтирли узоқ эмас. Шу- нинг учун ишлаб чиқари- лаётган махсулот нархи

### РЕКЛАМА ЎРНИДА



### O'ZMILLIYBANK

ҳам бошқаларга нисбатан арзон. Қолаверса, сифат- ли — совуққа ва сувга чидамли.

Мутахассисларнинг ай- тишича, ишлаб чиқари- лаётган пардозбоп гишт- лар узоқ йиллар ўз ран- гини йўқотмайди. Улар- дан фойдаланиш замона- вий бинолар қиёфасини янада кўркамлаштиришга хизмат қилади.

Айни пайтда корхона- да 60 нафар маҳаллий йигит-қиз иш билан таъминланган бўлиб, улар учун барча шароит яратилган. Ташкиллашлари- ча, тайёрлаш жараёнида фасад гишталари белги- ланган тартибда назорат кўригидан ўтказилади. Хорижлик мутахассислар томонидан ишлар тизим- ли равишда кузатиб бо- рилади. Буларнинг бар- часи барқарор фаолият ва ривожланишга асос яратяпти. Энг муҳими, улар “Миллий банк” АЖ билан ҳамкорлик қилиб, кам бўлишга теггани йўқ.

«Миллий банк» АЖ матбуот хизмати билан ҳамкорлик Д. МУРОДОВ тайёрлади.

Хизматлар лицензияланган.

## «ELXOLDING»

ilmiy-ishlab chiqarish birlashmasi

### BAKTERIYALARGA QARSHI HAVO RESIRKULYATORI

✓ **Ko'plab zararli mikroorganizmlar, bakteriyalar, barcha turdagi viruslar, zamburug'lar, chang kanalari va boshqalardan xonalarni zararsizlantirish hamda havoni tozalash uchun mo'ljalangan.**

✓ **Ozonsiz, odamlar uchun mutlaqo xavfsiz, aholi bor joylarda doimiy ravishda ishlatilishi mumkin.**

✓ **Xonada salomatlik uchun optimal ham darajasini saqlaydi.**

✓ **Astma, allergiya, migren, gipertoniya, ovqat hazm qilish tizimi, nafas olish tizimi, yurak-qon tomir tizimi, modda almashinuvining buzilishi xastaliklari bilan kasallangan bemorlarga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.**

#### QO'LLASH JOYLARI

UY

IDORA

TA'LIM MUASSASALARI

RESTORAN

DO'KON

**«ELXOLDING» ICHB, Samarqand sh., Gagarin k., 36-uy.**  
93-720-30-30, 33-993-03-33.

Ушбу жойда **СИЗНИНГ** рекламаниз бўлиши мумкин эди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 248. 30 938 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни кўляб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.  
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 02.02 Топширилди — 02.25 1 2 3 4 5 6